# АҲОЛИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

**2024 ОКТЯБРЬ**

жами **2 391** та респондент қатнашди

Октябрь ойида аҳолининг келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан пасайиб, **12,8** фоизга тенг бўлди.




| **Инфляцион кутилмаларнинг омиллари** (*респондентлар улуши, фоизда*) | 2023 | | 2024 | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ноя | дек | янв | фев | мар | апр | май | июн | июл | авг | сен | окт |
| Валюта курсининг ўзгариши | 58 | 60 | 55 | 56 | 61 | 55 | 49 | 41 | 39 | 42 | 50 | 51 |
| Коммунал хизматларнинг қимматлашиши | 38 | 37 | 39 | 39 | 42 | 55 | 57 | 54 | 51 | 49 | 45 | 47 |
| Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши | 43 | 47 | 49 | 54 | 50 | 47 | 49 | 47 | 44 | 46 | 47 | 46 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 38 | 33 | 32 | 28 | 29 | 23 | 24 | 26 | 22 | 40 | 39 | 31 |
| Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши | 31 | 31 | 32 | 30 | 35 | 29 | 30 | 28 | 28 | 27 | 29 | 28 |
| Транспорт харажатларининг ошиши | 26 | 29 | 29 | 33 | 29 | 28 | 28 | 28 | 26 | 26 | 28 | 26 |
| Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши | 24 | 24 | 24 | 22 | 26 | 25 | 22 | 21 | 20 | 23 | 25 | 24 |

Келгусида нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **валюта курси ўзгариши** ҳамда **коммунал хизматларнинг қимматлашишини** қайд этиш ошган бўлса, **иш ҳақи ва нафақалар ошишини** омил сифатида белгилаган респондентлар улуши камайган.

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

**2024**
**ОКТЯБРЬ**

жами **1 653** та респондент қатнашди

Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан секинлашиб, **12,0** фоизни ташкил этди.




| **Инфляцион кутилмаларнинг омиллари** *(респондентлар улуши, фоизда)* | 2023 | | 2024 | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ноя | дек | янв | фев | мар | апр | май | июн | июл | авг | сен | окт |
| Валюта курсининг ўзгариши | 61 | 62 | 59 | 57 | 61 | 60 | 52 | 42 | 38 | 42 | 51 | 50 |
| Коммунал хизматларнинг қимматлашиши | 38 | 33 | 35 | 37 | 38 | 54 | 55 | 53 | 50 | 47 | 46 | 42 |
| Ёқилғи ва энергия ресурслари қимматлашиши | 40 | 42 | 43 | 49 | 44 | 44 | 43 | 41 | 42 | 45 | 44 | 42 |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши | 37 | 34 | 28 | 26 | 26 | 22 | 21 | 22 | 17 | 38 | 38 | 30 |
| Транспорт харажатлари қимматлашиши | 29 | 30 | 33 | 35 | 33 | 31 | 33 | 29 | 31 | 31 | 31 | 29 |
| Хомашё нархларининг қимматлашиши | 14 | 14 | 28 | 28 | 28 | 27 | 26 | 26 | 25 | 26 | 27 | 25 |
| Солиқ юкининг юқорилиги | 19 | 24 | 24 | 27 | 25 | 31 | 35 | 31 | 28 | 27 | 27 | 23 |

Келгусида нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **коммунал хизматлар қимматлашиши, иш ҳақи оширлиши** ва **солиқ юкининг юқорилигини** белгилаган тадбиркорлар улуши камайган.

# ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР – СОҲАЛАР КЕСИМИДА

**2024**
**ОКТЯБРЬ**

Респондентлар
Аҳоли – **2 391** та
Тадбиркорлар – **1 653** та

Аҳолининг юқори инфляцион кутилмалари **маиший хизмат** соҳаси вакиллари томонидан билдирилган бўлса, келгусида нархлар шаклланиши бўйича нисбатан паст кутилмалар **ишлаб чиқариш** соҳаси вакиллари томонидан қайд этилди.







Тадбиркорларнинг юқори инфляцион кутилмалари **ташиш хизмати** соҳасида фаолият олиб борадиган корхоналар томонидан қайд этилган бўлса, келгусида нархлар шаклланиши бўйича нисбатан паст кутилмалар **қишлоқ хўжалиги** соҳасида кузатилди.

# ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР – ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА

**2024**
**ОКТЯБРЬ**

Респондентлар
Аҳоли – **2 391** та
Тадбиркорлар – **1 653** та

Аҳоли инфляцион кутилмаларининг юқори кўрсаткичи **Тошкент вилоятида** кузатилган бўлса, нисбатан паст инфляцион кутилмалар **Қорақалпоғистон Республикасида** истиқомат қилаётган аҳоли томонидан қайд этилди.







Тадбиркорлик субъектларининг юқори инфляцион кутилмалари **Навоий вилоятида** кузатилган бўлса, нисбатан паст кутилмалар **Қорақалпоғистон Республикасида** фаолият олиб бораётган тадбиркорлар томонидан қайд этилди.

# ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР (АҲОЛИ)

**2024**
**ОКТЯБРЬ**

жами **2 391** та респондент қатнашди

## Даромадлари **7 млн.сўмдан юқори** бўлган аҳолининг инфляцион кутилмалари нисбатан юқори даражада шаклланди.




## Ҳудудлар кесимида аҳолининг инфляцион кутилмалар бўйича жавоблар тақсимоти



# СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ ОМИЛЛАРИ (АҲОЛИ)

**2024**
**ОКТЯБРЬ**

жами **2 391** та респондент қатнашди

Октябрь ойида аҳоли томонидан сезилган инфляция даражаси ўтган ойга нисбатан бироз пасайиб, **13,2** фоизни ташкил этди.







Сезилган инфляция даражасининг юқори кўрсаткичи **Андижон вилоятида** қайд этилган бўлса, нисбатан паст сезилган инфляция даражаси **Қорақалпоғистон Республикасида** кузатилди.

# СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ ОМИЛЛАРИ (АҲОЛИ)

**2024**
**ОКТЯБРЬ**

жами **2 391** та респондент қатнашди

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI

## Сентябрь-октябрь ойларида аҳоли томонидан нархларида юқори ўсиш кузатилган асосий турдаги товар ва хизматлар



# СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ (АҲОЛИ)

**2024**
**ОКТЯБРЬ**

жами **2 391** та респондент қатнашди

Даромадлари **7 млн.сўмдан юқори** бўлган аҳолининг сезилган инфляция даражаси нисбатан юқори шаклланди.







Аҳоли томонидан юқори сезилган инфляция даражаси **таълим** ва **туризм** соҳалари вакиллари томонидан билдирилган бўлса, нисбатан паст сезилган инфляция даражаси **ишлаб чиқариш** соҳаси вакиллари томонидан қайд этилди.